

**ЎТМИШГА НАЗАР**

---

**ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

---

**LOOK TO THE PAST**

№15 (2019)



TOSHKENT-2019

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Мургазаева Раҳбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий Университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети

**"Ўтмишга назар" журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial Board of the Look to the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет (Грузия)*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет (Грузия)*

**Кожакеева Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий Университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
Жаҳон Тиллари Университети*

**Зияева Доно Хамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчехра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,  
Ўзбекистон Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Джоробекова Айнура Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Тошкент  
ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия  
академияси, Қозоғистон Республикаси*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент Кимё -  
Технология Институтида*

**Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амир Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

<b>1.Алимова Нодира Ибрагимовна,</b> ТУРКИСТОН МАДАНИЯТ ДУРДОНАЛАРИ ТАРИХИДАН.....	4
<b>2.Арифханов Бахтиёр Анварович,</b> МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОЛИМЛАРИНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАН РИВОЖЛАНИШИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	10
<b>3.Аҳмедова Умида Марипджановна,</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ФЕРМЕРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ-ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ.....	20
<b>4.Акчаев Фаррух Шавкатович,</b> ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН МАРОСИМЛАРНИНГ ЭТНОЛОКАЛ ЖИҲАТЛАРИ.....	26
<b>5.Азимов Камилъ Сарварович, Петросова Ольга Николаевна,</b> ТУРКИЯ ВА АРАБ МАМЛАКАТЛАРИ: ҲУДУДИЙ МОЖАРОЛАР ВА ТРАНСЧЕГАРАВИЙ СУВ АРТЕРИЯЛАРИ ОРҚАЛИ СУВДАН БИРГАЛИҚДА ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ.....	33
<b>6.Алохунов Алишер Аҳмаджонович,</b> ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ИЛК ШАҲАРСОЗЛИГИ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	51
<b>7.Аббасов Беҳзод Бахтиёрович,</b> НАМАНГАН ОБЛАСТИДА 1950-ЙИЛЛАРНИНГ ЎРТАЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН КЎЧИРИШ СИЁСАТИНИНГ МАҚСАДИ ВА НАТИЖАЛАР.....	59
<b>8.Дадамирзаева Гулчехра Абдунабиевна,</b> СОВЕТ ДАВЛАТИ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА КООПЕРАЦИЯЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	66
<b>9.Гадоев Дадахон Хайруллоевич,</b> ПЕТЕРБУРГДАГИ ЖОМЕ МАСЖИДИ: ҚУРИЛИШИ ВА ТАҚДИРИ.....	73
<b>10.Мажидов Ж.Ж., Ахматов А.Ҳ.</b> ХІХ АСР ОХИРИ - ХХ АСР БОШЛАРИДА АМУДАРЁ ФЛОТИЛИЯСИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН ("Туркистон тўплами" материаллари асосида).....	84
<b>11.Орзиев Маҳмуд Зайниевич,</b> АФФОНИСТОН МАТБУОТИНИНГ БУХОРОГА ТАЪСИРИ ХУСУСИДА.....	91
<b>12.Ойназаров Холиёр Ғойибназарович,</b> ГАДОЙТОПМАССОЙ ПЕТРОГЛИФЛАРИ.....	98

Какие неприятные события пережила мечеть за столетие своей истории. В нем также описывается, как современная мечеть, которая была главной мечетью Российской империи, была превращена в склад во время атеистической политики советской эпохи и по просьбе "безбожного общества".

**Ключевые слова:** Кронверк, рабат, Санкт-Петербург, Абдулахадхан, Александр II, Великий хлопковый путь, Ахмад Дониш, Большой Лангар, Кронштадт.

**Dadakhon Kh.Gadoev,**  
Teacher of the faculty of history and cultural heritage  
of Bukhara state University

## CATHEDRAL MOSQUE OF ST. PETERSBURG: THE HISTORY OF CONSTRUCTION AND FATE

### ANNOTATION

The article highlights the processes of construction of a mosque for Muslims by the Emir of Bukhara in the Northern capital of Russia - St. Petersburg. This article also describes on whose initiative the mosque was built, what unpleasant events the mosque experienced more than a century of its history, how during the reign of the atheist policy of the Soviet period, at the request of the society of "atheists", the majestic Cathedral mosque, which at one time was the main mosque of the Russian Empire, was transformed into a repository, and the current state of the mosque.

**Key words:** Kronverk, rabat, St. Petersburg, Abdulahadkhan, Alexander II, the Great cotton way, Ahmed Danish, Katta Langar, Kronstadt.

Россия империясининг шимолий ва маданий пойтахти - Санкт-Петербургнинг Кронверк проспектида, Приморский метро бекати яқинида мовий гумбазлари ва миноралари кўкка қадалган шарқона меъморий обидани кўрган ҳар бир ўзбекистонлик меҳмон беихтиёр ҳайратга тушади. Самарқанд-у, Бухородаги сингари тарихий обидаларни ёдга солувчи бу иншоот қачон ва нима мақсадда қурилган?- деган ҳақли савол туғилади.

Ушбу осори атиқа қурилиши Бухоро амири Абдулаҳадхон номи билан боғлиқ. Абдулаҳадхон ўқимишли, художўй ва иймонли киши бўлганлиги сабабли унинг даврида Санкт-Петербургда мусулмон масжиди, Саудия Арабистони, Миср, Сурия, Ироқ, Қрим ва Кавказ ўлкаларида бир қанча работлар, меҳмонхоналар, саройлар ва ҳаммомлар қурилган.

Амир Абдулаҳадхон 1894 йилдан то умрининг охиригача Карманада туриб амирликни бошқаради. Абдулаҳадхон Карманадаги Чармгарчорбоғда шерий кеча ўтказиб, унга маҳаллий шоирларни, олим ва фузалоларни, мадраса толибларини таклиф қиларкан. Бундай мушоираларда Рудакий, Фирдавсий, Бедил, Ҳофиз, Алишер Навоий шоирларнинг асарлари, газал ва рубоийлари ўқилган. Мушоираларда амирнинг ўзи ҳам "Ожиз" тахаллуси билан ўз шерларидан намуналар ўқиган.

Аҳмад Дониш 1869 йил кузида котиб сифатида Бухоро элчилари билан Санкт Петербургда сафар қилди. Бунга Россия императори Александр Иккинчи ўз қизини турмушга узатиши асосий сабаб бўлди. Айни чоғда, Бухоро-Россия савдо-саноат

алоқаларини ривожлантириш юзасидан музокаралар олиб бориш ҳам кўзда тутилган эди.

Амир Музаффархон фармойиши билан Бухоро элчилари келин-куёвга кўпдан-кўп совға билан рус пойтахти сари йўлга чиқади. Музаффархон ўз элчилари орқали йўллаган мактубида Александр Иккинчидан ўғли Абдулаҳад тўрани саройга олиб, рус муаллимларидан таҳсил кўришга рухсат этишини ҳам сўраган эди. Бухоро элчиларига Абулқосимбий рахбар этиб тайинланади. Делегатсия таркибида ҳукмдорнинг ўғли Мирсайид Абдулфаттоҳ ва кекса амакиси бор эди. Улар 18 октябрда куни почта кареталарида Оренбургга етиб келиб, бир неча кун хордик чиқаргач, поездда Русия пойтахтига жўнайди.

Рус маъмурлари бухоролик меҳмонларни октябрнинг сўнги кунларида Санкт-Петербургниң Николаев темир йўл вокзалида тантанали кутиб олади. Уларга Нева бўйидаги муҳташам меҳмонхоналарнинг биридан саккизта хона ажратилади. Шу орада Ташқи ишлар вазирлигининг Шарқ департаментидан Козимбек деган хушсурат кавказлик форс йигити келиб, бухоролик элчиларга тилмоч қилиб бириктирилганини малум қилади. Бу воқеани Аҳмад Дониш "Бухородан Петербургга сафар" хотираларида қуйдагича тасвирлайди:

"Козимбек араб ёзувида чиройли хуснихат эгаси бўлган йигит эди. Шу боис дўстлашиб қолдик. Кунларнинг бирида у яқинда Петербургга мен каби шоиртабиат Қошғар элчиси келиб-кетганини айтиб қолди. Ўшанда мен унга Петербургни тарифлаб, бир неча байт ёзишни таклиф қилдим. У рози бўлди. Мен у ёзган байтларни рус тилига таржима қилиб, подшоҳ ҳазратларига етказдим. Байтлар жаноби олийларига мақул тушиб, қошғарлик элчининг барча муаммосини ҳал қилиб берди. Мен сизга ҳам келин-куёв тўғрисида байт битишни таклиф қиламан. Бу келгусида олиб борадиган музокараларингизда ёрдам беради. Подшо қизининг исми - Мария, куёв эса - Англия қироличаси Викториянинг ўғли Алфред.

Шундан кейин мен тўққиз байт ёзиб, ҳар бир мисрани келин ва куёв исмидан бир ҳарф билан мувашшаҳ тарзида бошладим ва уларнинг никоҳ санасини ҳам байтлар мазмунига киритдим. Козимбек байтларни дарров рус тилига таржима қилиб, Осиё департаменти бошлиғи Стемоухов жаноблари орқали рус подшосига етказди. Байтлар жаноби олийларига маъқул тушиб, у муаллифга ўз номидан ўттиз тўртта олмостош билан безатилган, вазни уч мисқол-лик тилла узукни тақдим этиб, тўй тантанаси-га таклиф қилишга ҳам фармойиш берибди.

- Мен сиз ёзган байтларни мароқ билан ўқидим, - деди у. Улар чуқур мазмунга эга. Афсуски, биз тилингизни билмаймиз, шу сабаб байтларнинг бадиий қийматини тўлиқ англай— олмаймиз.

- Сўзлар - мазмуннинг ифодаси, - деб жавоб бердим мен. - Агар тилимиз гўзал бўлмаса, мазмун чуқур бўлармиди!

- Менга сизни билимдон, икки ёхуд уч маротаба ўлкамизда узоқ муддат бўлган киши сифатида таърифлашди, - давом этди подшоҳ. - Ундай бўлса нима учун тилимиз-ни ўрганмадингиз?

- Ҳар гал юртингизга— келганимда, мени кеча-кундуз шаҳар бўйлаб айлантиришади, театрлар, корхоналарга олиб боришади. Мен бу томошалар билан овора бўлиб, алифбонгизни ўрганишга вақтим бўлмайди. Балким бу сўнгги марта пойтахтингизга келишимдир, деб ўйлаб, бошқа бундай ғаройиботларни кўра олмаслигимдан доимо таҳликадаман!

- Сиз учун пойтахтимиз дарвозалари доимо очиқ, - деди жавобдан мамнун

бўлган подшоҳ ва Ташқи ишлар вазири Горчаковга элчиликнинг барча масалаларини ижобий ҳал қилишни буюриб, биздан узоқлашди. Шундан кейинги тантаналарда бизга подшоҳ билан ёнма-ён курсилардан жой беришди..."

Донишнинг эслашича, ўшандан кейин подшоҳ кўча-кўйда ёхуд бирор маросимда у билан рўпара келса, албатта саломлашиб, ҳол-аҳвол сўраб экан.

Айнан шу подшоҳ даврида Россия империяси чегаралари кенгайиб, Туркия билан урушда ғалаба қозонди ва Болқон мамлакатларини тасарруфига киритди. Туркистонни забт этиб, Каттакўрғонгача бўлган ҳудудни босиб олди ҳамда алоҳида губерния сифатида салтанатига қўшди. Бундай аҳволдан хавотирга тушган Буюк Британия ҳукумати ўша вақтда ўз мустамлакаси бўлган Ҳиндистонни ҳарбий тажовузидан асраш мақсадида Россия ҳукумати билан музокара бошлади. Ушбу музокарада икки буюк мамлакатнинг мустамлака ҳудудлари ўртасида дахлсиз минтақа сифатида Бухоро амирлиги танланди. Иккала томон Бухоро амирлигига тажовуз қилмаслик тўғрисида келишиб олди. Мазкур шартномани қариндош-уруғчилик ришталари билан мустақамлаш учун инглиз шаҳзодаси рус маликасига уйланадиган бўлди. Рус императори тўйга Бухоро элчиларини ҳам таклиф қилиб, уларга алоҳида мулозамат кўрсатди. У энди Бухоро амирлигини босиб ололмас, ўзига муте қилиб сақлаши мумкин эди, холос. Бунинг учун олдин қатор имтиёзлар билан бухороликлар оғзини мойлаш, кейин эса астасекинлик билан жиловни қўлга олиш лозим эди.

Тўй тантанасидан сўнг икки давлат ва-киллари ўртасида музокара бошланди. Бухоролик элчилар рус маъмурларидан йирик шаҳарларнинг савдо ярмаркаларида ўзбек тижоратчилари учун дўконлар сонини кўпайтириш, уларга рус фуқаролари ҳуқуқларини бериб, божхона тўловларини пасайтириш каби имтиёзларни сўради.

Маълумки, XIX асрнинг охирига келиб, шаҳарда мусулмонлар сони анча ортган бўлса-да, у ерда бирорта масжид бўлмаган.

- Яна бир муаммо бор, - деди пировардида Аҳмад Дониш, - мен элчиликнинг нафақат котиби, балки сафардаги имом-хатиби ҳам ҳисобланаман. Пойтахтингизда масжид бўлмагани учун намозни меҳмонхонада жамоа бўлиб ўқишга мажбурмиз. Ваҳоланки, шаҳрингизга мусулмон мамлакатларидан юзлаб меҳмон ва тижоратчилар келиб, тоат-ибодатларини рисоладагидек бажара олмаяпти. Қолаверса, шаҳарда мусулмон динига мансуб кавказликлар, татар фуқаролари ҳам оз эмас. Улар учун масжид қурилса, айти муддао бўлур эди.

Музокарада қатнашган Ташқи ишлар вазири князь Горчаков рус ҳукумати барча масалаларни ижобий ҳал қилишига ишонтирди. Абдулаҳад тўра подшоҳ саройидаги кадетлар корпусига ўқишга қабул қилиниши учун Санкт-Петербургга келиб, Александр II билан суҳбат қилиши лозимлиги қайд этилди. Масжид қурилиши масаласини эса император олий ҳазратларига этказишга ваъда берилди.

Аҳмад Донишнинг рус маъмурлари билан музокарада ташаббусни ўз қўлига олгани, оқпошшонинг алоҳида ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлгани элчи Абулқосимбийнинг нафсониятига тегди. У тўнини тескари кийиб олиб, Аҳмад Донишнинг Санкт-Петербургдаги театрларга бориши, тараққийпарвар рус зиёлилари билан учрашишига монелик қила бошлади. Абулқосимбий рус ўлкасида қиш бошланаётганига қарамай, баҳорни кутмай Бухорога тез қайтишни талаб қилди. Улар рус пойтахтида бир ярим ой тургач, ноилож йўлга чиқишди.

Ўша кезларда Россиядан Туркистонга темир йўл ўтказилмаган эди. Оренбурггача поездда келиб, бу эрдан яна почта кареталарига ўтирган элчилар

йўлда изғирин совуққа бардош беролмай хасталанди ва рус шаҳарларининг биридаги шифохонада анча вақт даволаниб, айна баҳор фаслида Бухорога этиб келди.

Абулқосимбий Музаффархон ҳузурига кириб, Мирзо Аҳмад қилмишларидан шикоят этди. Унинг Санкт-Петербургда давлат думаси йиғилишларига боргани, театр-театр, музей-музей, корхона-корхона кезгани, музокараларда бўлмағур таклифлар билан чиққанини "дастурхон қилди".


Даргазаб бўлган Музаффархон Мирзо Аҳмад Донишни дарҳол ҳузурига олиб келишни буюрди. Лекин ундан сафар тафсилотларини эшитгач, хатти-ҳаракатида ишқал тополмай, аксинча, маъқуллади. Дониш ҳам фурсатдан фойдаланиб, рус императори унга тақдим этган олмос тошли тилла узукни амирга топширди. Совға ҳукмдорга ёқиб, унга "Ўроқ" унвонини берди ва кўнгли истаган лавозимни танлашни таклиф қилди.

- Менга китобдорлик вазифасини берсангиз кифоя, - дея миннатдорлик билдирди Мирзо Аҳмад таъзим билан. - Ҳозирда Русияга қилган сафарларим асосида салтанатингизда ислоҳотлар ўтказиш бўйича таклифларимни қоғозга туширмоқдаман. Улар жаноби олийларига маъқул тушади, деган умиддаман.

Аҳмад Дониш бир неча ой бетиним меҳнат қилиб, "Рисола дар назми тамаддун ва таовун" номли асар яратди, унда рус давлатидан андоза олиб, амирлик бошқарув тизимини қайта қуришга доир ўз таклифларини баён қилди. Кейинчалик бу рисола унинг машҳур "Наводир ул-вақое" китобига алоҳида бўлим сифатида киритилди. Бироқ асар билан танишган Музаффархоннинг тепа сочи тикка бўлди. Чунки муаллиф рисолада адолатли амир масаласини ўртага қўйиб, Музаффархонни амалда мутлақ ҳукмдор мавқеидан маҳрум қилиш, аркони давлатни қандайдир оқсоқоллар кенгашига топширишни таклиф этмоқда эди.

#### **Масжиднинг умимий кўриниши**

- Мирзо Аҳмадни Русияга юборсам, у қайтиб келиб, менга салтанатимни қандай бошқариш ҳақида ақл ўргатяпти, - деди, Музаффархон машваратларнинг бирида қуюқ қошларини чимириб. - энди у рус ўлкасига бошқа бормайди! Шундан кейин Музаффархон Аҳмад Донишни китобдор вазифасидан четлаштириб, Фузур туманига қози қилиб жўнатди. Шу чоққача у Донишнинг мунажжимлик санъати боис саройда хизмат қилишига чидаб юрган эди. Ҳар галл мамлакатда чигал вазият юзага келганида ҳукмдор унга мурожаат қилар ва сайёраларнинг ўзаро мувозанатига қараб, маслаҳатлар олар эди. Аммо унинг сўнгги таклифлари ҳукмдорнинг сабр косасини тўлдирди.



Кўп ўтмай Абдулаҳадтўрани рус подшоси ҳузурига жўнатиш учун сафарга тайёрлай бошладилар. Тўрага сафарда Остонақул қушбеги, ҳарбий вазир Исомиддин тўқсабо ҳамроҳлик қилди.

Абдулаҳадтўра отасидан тахт вориси сифатида барча ваколатларни олиб

Петербургда бормоқда эди. У рус императори қабулида бўлиб, кадетлар корпусига қабул қилинган, Россия ва Бухоро ўртасида ҳамкорлик шартномаси тайёрланиб, бу ҳужжат ташқи сиёсат бобида ҳали гўр бўлган Абдулаҳадтўрага маъқуллаштилади. Император олий ҳазратларининг ўзи кўплаб хорижий элчилар ҳозир бўлган бир нуфузли йиғинда йиғирма бир банддан иборат мазкур шартномани Абдулаҳад тўрага имзолатиб, муҳрини бостиради. Унда Бухоро амирлиги билан Россияни боғловчи темир йўл ва телеграф алоқасини барпо этиш, рус тижоратчиларига амирлик ҳудудидан экинзор ва боғлар, шунингдек, биноларни сотиб олиш ҳуқуқини бериш, рус савдогарлари ва ҳарбийлари тоат ибодати учун черков қуриш ва яна кўпдан-кўп имтиёзлар назарда тутилган эди. Мазкур шартнома сабаб Бухоро амири оқпошшонинг узил-кесил қарамига айланди.

Элчилар Бухорога қайтганидан сўнг, Музаффархон шартнома билан танишиб, аламдан бошини чангаллади, Абдулаҳад тўрадан газабланиб, уни бир неча кун ҳузурга киритмади. Аҳмад Дониш элчилар сафида бўлганида бундай шартнома имзоланишига балки йўл қўймасмиди?! Афсуски, Музаффархон унинг қадрига этмади, хатосини эса кеч англади.

Абдулаҳадхон ҳукмронлиги йилларида Россия Бухоро амирлигидаги мавқеини батамом мустаҳкамлаб, уни ўз қўғирчоғига айлантirdи. Руслар бу вақтга келиб Туркистонга элтадиган темир йўлни "Буюк пахта йўли" деб атаган ва ўлка бойликларини арзон гаров олиб кетмоқда эди. Александр II тавсияси билан Абдулаҳадхон ўғли МирОлим тўрани ҳам кадетлар корпусига ўқишга юборди. Мир Олимтўра бу ерда рус императорининг ўғли Николай Александрович билан бирга таҳсил кўрди. 1881 йилда Александр II суиқасд оқибатида ҳалок бўлиб, тахтга ўғли Николай ўтирди. Шундан сўнг Россия–Бухоро алоқалари янада "мустаҳкамланиб", амирлик рус империясининг норасмий ҳудудига айланди.

Шундай бир вақтда Абдулаҳадхон Петербургдаги масжид қурилишини эса олиб, рус императорига мурожаат этади. Император эса унга рус пойтахтининг ўзи хоҳлаган жойидан масжид учун ер сотиб олишга рухсат беради. Бухоро амири вакиллари бир неча йил Санкт-Петербург марказидан масжид учун қулай жой излайди.

### Санкт-Петербургдаги мусулмонлар 1926 йил

Шу боис Санкт-Петербург мусулмонлари масжид қуриш учун маблағ тўплашга киришади. 1880-йилларда Петербург мусулмон жамоаси оқподшо ҳукуматида масжид қуриш учун изн сўраб мурожаат қилади. Бироқ шаҳардаги айрим маҳаллий



амалдорлар бу ишга жиддий қаршилик кўрсатишади. Аммо мурожаати нобатга олинмайди. Зарур маблағ тезликда йиғилавермайди. Тўпланган пул ҳатто масжид қурилиши учун ер сотиб олишга ҳам етмайди.


Ниҳоят, 1907 йилда Абдулаҳадхон Бухоро хазинасидан 312 минг рус рубли тўлаб, муҳандис И.Долотскийнинг хусусий мулки бўлган катта ёғоч уйни атрофидаги ер майдони билан сотиб олади.

Таниқли олим ва ёзувчи, рус

мусулмонларининг "Нур" газетаси бош муҳаррири А.Боязитов ташаббуси ва рус императорининг қўллаб-қувватлаши билан Санкт-Петербургдаги мусулмон жамоаси орасидан масжид қурилиши бўйича қўмита тузилди. Унинг таркибига петербурглик 20 нафар фаол мусулмон киритилиб, полковник Давлетшин раҳбар этиб сайланди. Қўмита рус меъморлари ўртасида масжид лойиҳаси учун танлов ўтказди. Лойиҳа шарқона услубда яратилиши, бинонинг тоқи мармар билан безатилиши, масжидда гумбаз ва иккита минора бўлиши, масжидни безашда тирик жонзот расми бўлмаслиги шарт қилиб қўйилди. Кўплаб таниқли рус меъморлари иштирок этган, танлов натижалари 1908 йил 11 мартда кўриб чиқилди. Танловда 45 та лойиҳа орасидан таниқли рус меъморлари Н.Васильев, М.Лялевич, М.Перетятков муаллифи бўлган лойиҳалар ғолиб деб топилди. Уларнинг ҳар бирига 3 минг рублдан мукофот берилди, қурилишга асос қилиб эса Н.Васильев лойиҳаси танланди.

Лойиҳага биноан масжид биноси гранит тошлардан барпо қилиниши, девор ва гумбазлари шарқона услубда

Кошинлар билан қопланиши лозим эди. Шу мақсадда рассом П.Максимов Самарқанд ва Бухорога сафарга жўнатилиб, бу ердаги масжидларнинг безатилиш услубларидан нусха олди. Шундан кейин лойиҳани рус императори шахсан маъқуллади. Энди қурилишга киришса ҳам бўлар эди. Бироқ император бадий академияси масжид қурилиши учун рус пойтахтининг қоқ маркази - Петропавловск қалъаси, Буюк Пётр уй-музеи ва Муқаддас Троица черкови оралиғидан жой танланганига эътироз билдирди. Академиклар масжиднинг муҳташам биноси мазкур иншоотлар кўркига соя солади, деб ҳисоблар эди. Уларнинг арзи рус императоригача етиб борсада, Бухоро амири Абдулаҳадхон талаби билан масжид жойи ўзгаришсиз қолдирилди. Ниҳоят, қурилиш бошланадиган бўлди. Аммо бунинг учун камида 500 минг рубл маблағ зарур эди. Масжид қурилиши бўйича қўмитага император олий ҳазратлари рухсати билан бинокорлик харажатлари учун Россия ҳудудидаги мусулмон жамоаларидан 750 минг рубль хайрия маблағини ўн йил ичида тўплаб олишга ижозат этилди. Масжидга тамал тошини қўйиш Бухоро амири Абдулаҳадхон ўз ҳукмронлигининг 25 йиллиги муносабати билан рус пойтахтига ташриф буюриши санасига белгиланди.



Санкт-Петербургда келган Абдулаҳадхон 1909 йил 10 февралда чор ҳукумати раҳбарлари, Москва, Кронштадт, Кавказ мусулмонлари жамоалари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари иштирокида масжид пойдеворига илк мармар гиштларни қўйиб, улар устини кумуш белкуракча билан сувади. Шундан кейин А.Боязитов сўз олиб, Санкт-Петербургдаги масжид Лондон ва Париждаги саждагоҳлардан ҳам маҳобатли бўлишига амирни ишонтирди. Бухоро ҳукмдори ва рус мусулмон жамоалари аъзолари бўлажак масжид майдонига ташланган жойнамозлар устида чўккалаб, шукрона намозини ўқиди. Тантана иштирокчилари шарафига зиёфат

берилди.

Амир Абдулаҳадхон Бухорога қайтгач 1910 йил 26 - ноябрда вафот этади. Масжид қурилишига тахтга чиққан янги ҳукмдор - амир Олимхон бош-қош бўлади. У ҳам масжид қурилишини доимий назорат қилиб турди. Изғирин қишда кўтарилаётган деворларни тез қуритиш учун иссиқлик кондитсионерлари ишлатилди. 1911 йил февралда масжид деворлари кўтарилиб, томи ёпилди ва кошнлаш ишларига киришилди. Кошинлар тайёрлаш учун Гатчина яқинида махсус устахона қурилиб, рассом М.Максимов ва кошнкор П.Ваулин раҳбарлигида Самарқанддаги Жомеъ масжиди ва Гўри Мир мақбарасини безатишда ишлатилган кошнлар махсус хумдонларда пиширилди. 1913 йил аввалида бино ташини кошнлар билан безатиш поёнига этиб, масжидда иситиш тармоғи ҳам ишга солинди.

Рус ҳукумати гарчи пардозлаш ишлари ҳали поёниг етмаган бўлса-да, Романовлар сулоласи ҳукмронлигининг 300 йиллигига тантаналарига келаётган Бухоро ва Хива ҳукмдорлари, бошқа мусулмон мамлакатлари вакиллари иштирокида масжиднинг очилиш маросимини ўтказишга қарор қилди. 1913 йил 21 февралда Санкт-Петербургдаги масжидида Бухоро амири Амир Олимхон иштирокида жума намози ўқилади. Шу тариқа СанктПетербургдаги жоме Бухоро амири Олимхон ваХива ҳукмдори Асфандиёрхон иштирокида очилади. Бугунги мамлакатимиз ҳудудидан жой олган икки қўшни давлат ҳукмдорлари фақат ана шу воқеа муносабати билан айнан Санкт-Петербургда учрашишган экан.

#### **Бухоро амири Амир Абдулаҳадхон**

Бухоро ҳукмдори масжид қурилишига ҳомийлик қилгани учун рус императорига миннатдорчилик изҳор этди. Россия Фанлар академияси Дин тарихи бўлимидаги ҳужжатларнинг далолат беришича, масжид биносини безатиш ҳамда уни жиҳозлаш ишлари 1917 йил октябрдаги рус инқилоби вақтида ва ундан кейин ҳам давом этган. 1917-йилги инқилобдан кейин оқподшо тахтдан қулатилиб, ҳокимиятга болшевиклар келади. Ҳали ҳокимиятни мустаҳкамлаб улгурмаган шўролар дастлаб масжид фаолиятига эътироз билдирмайди. 1920-йил баҳорида Рамазон ойи муносабати билан масжид ибодат учун расман очилади. Бундан хабар топган Бухоро амири Саййид Олимхон масжиднинг марказий ибодатхона зали учун 400 квадрат метрлик қадимий гиламни жўнатади. Амир Олимхон тўрт ой ўтар-ўтмас худди шу ҳокимият Бухорони босиб олиб, уни дарбадар қилишини билмас эди, албатта. Петербурглик мусулмонларнинг масжиддаги тоат-ибодатлари узоққа чўзилмади. 1923 йил кузида масжиднинг фаол аъзоларидан бир гуруҳи қамоққа олиниб, отиб ташланди, унинг мулки ҳисобланган қимматбаҳо жиҳозлар эса мусодара этилди. Шундан сўнг кўпчилик мусулмонлар ўз ҳаётини хавф остида сезиб, масжиддан оёқларини уздилар. 1940-йил 10 июнда "Худосизлар жамияти"нинг талаби асосида ўз даврида Русия империясининг бош масжиди бўлган муҳташам жоме ёпилади. Ўн йилда ошиқ вақт давомида масжид биносидан тиббий ускуналар сақланувчи омборхона сифатида фойдаланилади.

Ўтган асрнинг 50-йилларшга келиб мусулмонлар масжидни қайтадан очишни сўраб, ушбу масала юзасидан Никита Хрушчевга мурожаат этди. Совет раҳбариятига хорижий давлат арбоблари, жумладан, Индонезия президенти Сукарно, Ҳиндистон бош вазири Жаваҳарлал Неру ҳам илтимос билан чиқади.

Ўтган асрнинг 60-йилларида Индонезия Президенти доктор Аҳмад Сукарно Санкт-Петербургда қилган ташрифи асносида яқин атрофдаги йўлдан кетаётиб,

масжид гумбази ва минораларини кўриб қолади.

"Бу ерда масжид кўрдим, мени ўша ерга олиб боринглар", - деб илтимос қилади. Аммо совет расмийлари олий мартабали меҳмонни бу қутлуғ даргоҳга олиб боришмайди. Бундан ранжиган меҳмон фақат энг зарур учрашувларнигина ўтказиб, дарҳол Москвага қайтади. "Сизга Ленинград ёқдимми?", - деб сўрашганида, "Мен бу шаҳарни кўрганим йўқ", - дея мужмал жавоб қайтариб, ватанига қайтиб кетган.

Сталин ўлиmidан кейин динга қарши сиёсатни бироз юмшата бошлаган шўро давлати халқаро жамоатчилик босими остида 1955 йил 12 декабрда тарихий масжидни яна Петербург мусулмонларига қайтаради. Масжид мусулмонлар ихтиёрига берилган бўлса-да, амир Олимхон ҳадя қилган улкан гилам ва бошқа қимматбаҳо ашёлар қайтариб берилмайди.

Шаҳар мусулмонларининг қайта-қайта мурожаатларидан сўнг 1974 йилда масжид уларга қайтариб берилади.

Тадқиқотчи Исмаи Наимовнинг ёзишича, масжиднинг қиблага қараган дарвозаси пештоқидаги нақшу нигорлар Самарқанддаги Шоҳи Зинда хазираларига жуда ўхшаш. Масжид миноралари 49 метр, гумбази эса 39 метрдан баланд. Ҳайратланарлиси шундаки гумбази эса Гўри Мир мақбарасидан нусха олиб тикланган. Мармар тошлардан кўтарилган деворлари ва улардаги улкан деразалар Адриатикадаги саждагоҳларга гоёта монанд. Масжид узра мағрур қад ростлаган миноралар эса Туркия масжидларини эса солади.

Масжиднинг иккинчи қаватида аёллар ҳам намоз ўқиши мумкин. Намозгоҳ шифтида Абу Баки Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб ва ул зотининг икки оғиллари имом Ҳасан ва имом Ҳусан муборак исмлари битилган. Меҳробда Оят ал-курсий сулс хатида акс эттирилган.

Санкт Петербург осмони узра мағрур қад ростлаган масжид миноралар эса Туркия масжидларини эса солади. Масжид ҳовлисида эр остидаги залга ҳам, марказий хонақоҳ бўлмасига ҳам, иккинчи қаватдаги хотин-қизлар залига ҳам кириш мумкин. Уларнинг бари кошинкор безаклар билан пардозланган. Барча заллардаги қандилларга тилла суви югуртирилган. Хотин-қизлар бўлмаси бежирим ёғоч панжара билан бегона назарлардан пана қилинган.

Қани энди масжид деворига мармар лавҳа осилиб, унинг қурилиши тарихи қисқача баён этилса....

Бу шарқона услубдаги гўзал бино 2008 йилгача Санкт-Петербургдаги ягона дунёнинг энг шимолий нуқтадаги масжиди, деб қаралган. Унинг мовий гумбази ва миноралари Нева дарёси соҳилидан ҳам бемалол кўриниб туради. Янада ҳайратланарлиси, бу гумбаз Самарқанддаги Амир Темур мақбарасининг гумбази билан деярли бир хил.

Жомеъ масжиди ўтган давр мобайнида бир неча бор таъмирланади. Бугунги кунда бу иншоот Санкт-Петербургниг ноёб тарихий обидаларидан бири сифатида давлат ҳимоясига олинган. Айни пайтда масжид ўз бағрига 3500 нафардан ортиқ намозхонни сиғдира олади. Аммо, жума ва Ҳайит намозларида масжиднинг ҳовлиси, унинг атрофи ҳам намозхонлар билан тўлиб кетади. Масжидга келувчиларнинг этник таркибида ўзбеклар биринчи ўринда туради.

Санкт-Петербургда 2018 йил 6-8 июнькунлари Ўзбекистон Электрон оммавий ахбарот воситалари Миллий ассоциацияси бир қатор давлат жамоат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда "Ўзбекистон маданий мероси - халқлар ва

маданиятлар ўртасида мулоқотга йўл" Иккинчи халқаро конгресси бўлиб ўтганди. Маскур конгресс доирасидаги тадбирлар, учрашувлар, мунозаралар миллий ва халқаро оммавий ахбарот воситаларида кенг ёритилиб борилганди. Конгресс дастуридан ўрин олган хайрли тадбирлардан бири анжуман иштирокчиларининг Санкт-Петербург жомеъ масжидга ташрифи бўлганди.

Меҳмонларни Санкт-Петербург ва Россиянинг Шимолий-Ғарбий худуди мусулмонлари идораси раиси, мазкур масжиднинг имом хатиби Равил ҳазрат Панчеев кутиб олди. Мазкур масжиднинг барпо этилиши тарихи ҳақида ҳикоя қилди.

-Ўзбекистон мен учун жуда азиз ва муқаррам замин, - деди Равил ҳазрат Панчеев. - Чунки бу қадим юртда динимиз ривож учун хизмат қилган жуда кўп буюк зотлар, олиму алломалар етишиб чиққан. Марҳум отам, Россиянинг машҳур уламоларидан бўлган Жаъфар ҳазрат Панчеев аввал Бухородаги Мир Араб мадрасасида, кейин Тошкент ислом университетида Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф билан бирга таҳсил олганлар. Ҳар гал Ўзбекистонга борсам, у ердан илоҳий куч-қудрат, нур, илҳом олиб қайтаман. Бу гал ҳам шахримизда Ўзбекистон маданий меросига бағишланган йирик анжуман ўтаётганидан жуда мамнун бўлдим. Чунки бу улкан манавий мерос наинки Ўзбекистон, балки, мусулмонларнинг ҳам фахри ифтихоридир.

Ташриф асносида Ўзбекистон Электрон оммавий ахбарот воситалари ассоциацияси раиси Фирдавс Абдухолиқов VIII асрга мансуб Катта Лангар Қуръонининг замонавий полиграфия услубида чиқарилган факсимиле нусхаси ва "Ўзбекистон обидалариги битиклар" туркумидан чиқарилган китоб албомларни жомеъ масжидга топширди.

2019 йилнинг 23 августда, Россия президенти Владимир Путин Чеченистон президенти Рамзон Қодиров билан Чеченистоннинг Шали шаҳридаги Европадаги энг катта масжиднинг очилиш маросимида қатнашдилар. Рамзон Қодиров ислом дунёсини қўллаб-қувватлагани учун Путинга миннатдорлик билдирди. Учрашувда Путин ундан янги масжид ҳақиқатан Европада энг катта масжид эканлигини сўради ва Чеченистонраҳбари бу саволга тасдиқ жавобини берди ҳамда у "дунёдаги энг чиройли масжид" эканлигини айтганида

"Дунёдаги энг чиройли масжид Петербургда", - дея эътироз билдирди Путин. "Сиз билан баҳслашмайман, Владимир Владимирович", - жавоб қайтарди Қодиров. Аслида, дунёдаги барча масжидлар бир-биридан гўзал ва бетакрордир. Зотан, уларда оллоҳ учун ибодат қилинади. Аммо масжидлар меъморий обида сифатида қадимий ва навқирон, катта ва кичик дея сифатланиши бор гап.

Нева бўйидаги мовий гумбазли муаззам масжид бугун қадимий Санкт-Петербургни раамзларидан бирига айланган.

### **Фойданланган адабиётлар рўйхати**

1. Эшов Т. Амир қароргоҳи хорликка юз тутмоқда //Халқ сўзи, 18 январь 2018. (Eshow T. "Emir's residence is faced with disdain". Narodnoe Slovo/ / 18 January 2018).
2. Наимов И. Нева узра балқиган ҳилол. Тафаккур журнали / 2018. № 3. (Naimov I. "Hilali shining on the Neva". Tafakkur Magazine/ 2018. No.3).
3. Жаборов Р. Сайёрамиздаги энг шимолий масжиднинг Ўзбекистонга қандай алоқаси бор. / Маънавий ҳаёт, 2018. № 2 (Jabborov R. "How the northernmost

mosque on our planet is connected with Uzbekistan". *Spiritual life* / 2018.No.2).

4. Аҳмад Дониш. Наводир ул-вақоеъ. Душанбе. - 1988. -Б.152.(Ahmed Danish. "Navodir ul-vasoe". Dushanbe. - 1988. В. 152).

6. Боязитова А. "В Оренбургское магометанское духовное собрание". Москва. - 1906. С.5 (Boyazitova A. "To the Orenburg Mohammedan spiritual Assembly". Moscow. - 1906. -С. 5).

5. <https://xabar.uz/f7u>